

МАИШИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҶАМЛИ ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РОЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимизда майший хизмат кўрсатиш соҳасига қаратилаётган эътибор, уни ривожлантиришда раҷамли инновацион-технологияларнинг ўрни ва аҳамияти, майший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаларини қўллаш ҳамда майший хизматлар соҳасини ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштиришда раҷамли инновацион-технологияларни тадбиқ этиш йўналишларининг назарий асоалари ўрганилган. Майший хизматлар соҳасини ривожлантиришда раҷамли инновацион-технологияларни роли таҳлил этилган. Қолаверса, майший хизматлар соҳасини ривожлантириш ва раҷамли инновацион-технологияларни жорий этиш бўйича илмий-амалий таклиф ва иафсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: майший хизмат, самарадорлик, иқтисодиёт, унумдорлик, корхона, тадбиркорлик, рақобат, инновация, технология, раҷамли иқтисодиёт.

Кириш: майший хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат миллий иқтисодиётида хизматлар тармоғининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётида, хусусан, эҳтиёжларини қондиришда, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда, давлат бюджетини шакллантиришда муносиб ўрин тутади. Шу билан бир қаторда, майший хизмат кўрсатиш соҳаси кўп тармоқли ва турли йўналишларда фаолият олиб борувчи соҳадир. Ушбу соҳа миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан узвий боғланган бўлиб, улар бир-бирининг ривожланишига ўзаро таъсир кўрсатади.

Майший хизматлар соҳасини ривожлантиришда раҷамли иқтисодиёт муҳим аҳамият касб этишини хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқда. Раҷамли иқтисодиёт бу - реал борлиқни тўлдирувчи виртуал муҳит; раҷамли технологияларга асосланган иқтисодий ишлаб чиқариш; интернет технологияларига асосланган иқтисодиёт; янги иқтисодиёт; веб-иктисодиёт; ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш узатиш борасидаги янги усуслар генерациясига ҳамда раҷамли компьютер технологияларига асосланган иқтисодиёт; нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас, бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделларини яратиш ва уларни кундалик хаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Раҷамли хизматлар назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган даврда аммо кўпчилик иқтисодчилар томонидан илмий адабиётларда уларнинг назарий қарашларини учратиш мумкин. Масалан, “Постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “Мегаиктисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиктисодиёт ёки раҷамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт)¹ каби илмий қарашларини илгари суришган.

Илмий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилаётган муаммони ечими ўзига хос ижтимоий-иктисодий, ташкилий ёндошувлар асосида изланилиши ҳамда ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг тарихий ривожланиш босқичларидан келиб чиққан холда “механизм” тушунчасига келтирилган таърифларда унинг моҳиятини талқин этишда

¹ С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Раҷамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.

турли хил ёндошувларни кузатиш мумкин. Юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан келтирилган таърифларда тизим “бир-бирига” таъсир этувчи функционал ва таъминловчи тизимлар сифатидаги иккита элементлар гурухи тарзида намоён бўлиб, улар “режалаштириш ва прогнозлаштириш, ижтимоий жараённинг ташкил этиш, иқтисодий рағбарлантириш, нархни шакллантириш, молия-кредит механизми” ёки “бошқарув харажатлар ва натижалар ҳисоби ҳамда меъёрлаштириш, хўжалик ҳисоби жавобгарлиги ва моддий рағбарлантириш, шунингдек ташкилий, ресурс ва ахборот таъминоти” каби элементлардан ташкил топган. Аммо маиший хизматлар соҳасини ривожлантиришда рақамли инновацион-технологияларни ўрни ва тадбиқ этиш йўналишлари таҳлил этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кўп омилли ва динамик таққослаш, даврийлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлардан кўзланган бош мақсад – мамлакатдаги аҳоли бандлигини, турмуш даражаси ва сифатини оширишдан иборат. Бундай устувор вазифани ҳал этишда мамлакатимизда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва ташкилий - иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, биринчи навбатда, ушбу соҳани бутунги ҳолати ва муносиб ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, мамлакатнинг мавжуд ички ресурс ва имкониятларни белгилашни, келажакда мамлакатда замонавий талаб асосида янги маиший хизмат турларини аниқлашни ва улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, тадқиқотимизда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, реал содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг микдор ва сифат ўзгаришини акс эттирувчи рақамлар илмий тадқиқотлар асосида ўрганилди. Статистик кўрсатгичлар таҳлили асосида, асосланган хulosалар чиқариш муҳимдир. Биз тузган 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2021 йил бошига келиб Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 80345,0 млрд сўмлик хизмат кўрсатилган. Шундан қишлоқ жойларида жами 11758,1 млрд сўмлик хизмат кўрсатиш ҳажмини ташкил этиб республикага таққослаганда 14,6 фоизини ташкил этган. Бу кўрсатгич қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳажми жуда паст эканлигини билдиради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятининг хизмат кўрсатиш ҳажми тўғрисида маълумот (млрд.) сўмда (2021 йил)¹

| № | Кўрсатгичлар | Ўзбекистон Республикаси | | Самарқанд вилояти ² | |
|---|-----------------------------|-------------------------|--------------------------|--------------------------------|--------------------------|
| | | Жами | Шундан: қишлоқ жойларида | Жами | Шундан: қишлоқ жойларида |
| | | | Жами | | Жами |
| 1 | Жами хизматлар ҳажми | 80345,0 | 11758,1 | 14,6 | 14 318,7 |
| 2 | Савдо хизматлари | 21217,2 | 4187,9 | 19,7 | 4 202,0 |
| 3 | Автотранспорт хизматлари | 28840,3 | 5954,8 | 33,1 | 6851,4 |
| 4 | Молиявий хизматлар | 18057,0 | 2125,6 | 11,7 | 2 077,9 |
| 5 | Ахборот ва алоқа хизматлари | 4864,0 | 15,6 | 0,3 | 698,8 |
| | | | | | |
| | | | | | |

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

²https://samstat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=306&id=1442&Itemid=1000000000000

| | | | | | | | |
|----|--|--------|-------|------|-------|-------|------|
| 6 | Таълим хизматлари | 2870,8 | 228,7 | 7,9 | 736,7 | 80,6 | 10,9 |
| 7 | Тураг жой ва умумий овқатланиш хизматлари | 2240,5 | 245,8 | 10,9 | 458,3 | 86,4 | 18,8 |
| 8 | Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар | 2054,3 | 216,8 | 10,5 | 324,5 | 114,9 | 35,4 |
| 9 | Архитектура, муҳандислик тадқиқотлари, техник синов ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 1639,8 | 317,8 | 19,3 | 296,9 | 73,9 | 24,8 |
| 10 | Шахсий хизматлар | 1642,5 | 483,2 | 29,4 | 552,6 | 190,2 | 34,4 |
| 11 | Ижара хизматлари | 1378,4 | 241,8 | 17,5 | 414,2 | 86,1 | 20,7 |
| 12 | Соғлиқни сақлаш хизматлари | 1129,0 | 159,0 | 14 | 225,3 | 37,0 | 16,4 |
| 13 | Маишӣ техникалар ва компьютер таъмирлар хизматлари | 1054,2 | 241,8 | 22,9 | 363,9 | 113,3 | 31,1 |
| 14 | Бошқа хизматлар | 2630,7 | 229,7 | 8,7 | 482,7 | 73,4 | 15,2 |

1-жадвал маълумотларини таҳлилидан кўриш мумкинки, Республика қўрсатгичига таққослаганда қишлоқ жойларидаги энг юқори улуш автотранспорт хизматлари (31,6 фоиз) шахсий хизматлар (29,4 фоиз) маишӣ техникалар ва компьютер таъмирлар хизматлари (22,9 фоиз)ни ташкил қилади. Келажакда мамлактимизда асосан қишлоқ жойларida маишӣ хизмат қўрсатиш тармоқларини ривожлантироқчи бўлсак, айнан транспорт ва ахборот алоқа хизмат қўрсатиш тармоқларини ривожлантириласдан бунга эришиб бўлмайди. Сабаби транспорт ва ахборот алоқа хизматлари айнан барча хизмат қўрсатиш соҳаларини хусусан рақамли иқтисодиётни ва инновацион тизимни такомиллаштирувчи ва боғловчи муҳим инфратузилма тармоғи ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос асосий белгилари юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон хужжат алмашинувини сифатли амалга оширишнинг мавжудлиги, бухгалтерлик, аудиторлик ва бошқарув тизимларининг ўзаро электрон интеграциялашуви, маълумотларнинг электрон базалари, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги, турли хилдаги корпоратив тармоқлардан иборат.

Унинг қуляйликларига турли тўловлар учун харажатларнинг қисқариши (масалан, банкка бориши учун йўл кира ва бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида жуда кўп оператив маълумотларга эга бўлган холда, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятларининг кенгайишини киритишимиз мумкин.

Бу борада республикамизда ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини қўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Шу мақсадни амалга ошириш борасида Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда рақамли иқтисодиётни, замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этишини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутувчи хужжат қабул қилинди¹. Иқтисодий ислоҳотларнинг изчил давоми сифатида "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832 қарори² ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори қабул қилинди³. Ушбу

¹www.lex.uz.

² www.lex.uz.

³ www.lex.uz.

қарор ва фармонларнинг ижроси бўйича қуидагилар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб кўрсатилган:

-инвестиция ва тадбиркорликни диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майнинг, смарт контракт, консалтинг, эмиссия, айрибошлиш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фундинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, блокчейн технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш;

-блокчейн технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалий иш кўнкмаларига эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш;

-рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инноватион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

-криптоактивлар бўйича фаолият ва блокчейн технологиялари соҳасида ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

-хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчейн технологияларини жорий этиш учун ҳукуқий базани яратиш.

Бу борада мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган мурожаати нафақат парламентга балки жамиятимизнинг барча қатламларига мансуб бўлган фуқороларга нисбатан мурожаат сифатида қабул этиб, ундаги барча соҳаларга қўйилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли ва самарали бажариш жамиятимиз аъзоларидан бир бутун бўлиб ҳаракат қилишни тақозо қиласди. 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши Ўзбекистонни ривожланиш тарихидаги илк инқилобий даврни бошланиши деб ҳисобласак айни муддао бўлади. Бундан келиб чиқсан ҳолда бизнинг олдимиздаги вазифаларимиз туризм ва хизмат кўрсатишини ривожлантириш ва ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасига инновацион-технологияларни жорий қилишда асосий эътибор нималарга қаратилишини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмокда. Тадқиқотимиз асосий мақсадларидан бири туризмда рақамли инновацион-технологияларни қўллаш орқали республикамизнинг рақобатбардошлигига эришишимизда муҳим омил бўлиб ҳисобланадиган йўналишларни белгилаб олиш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда рақамли иқтисодиётга ўтиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаш борасида бир қатор илмий ишлар амалга оширилаётган бўлиб, уларда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш турлича талқин қилинган ва таърифланган, лекин уларнинг ҳар биттасида истъмолчига йўналтирилганлиги асосий ўринга эга. Биз мазкур хуносаларга асосланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб, бу борада айрим муаллифларнинг фикри ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, уларнинг натижаларини умумлаштириб, такомиллаштириш тўғрисидаги мулоҳазаларимизни қисқача баён қиласди.

Рақамли иқтисодиётни майший хизмат кўрсатиш соҳасида шакллантириш ва жорий этиш мураккаб жараён бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ бўлади.

Рақамли иқтисодиёт – жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган ва рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб саналган хўжалик фаолиятидир.

Рақамли технологияларга асосланган платформаларнинг ривожланиш борасида хорижий тажриба сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимиға эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиёт-нинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу одийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидан иборат бўлган замонавий бошқарув тизимиdir.

Бундан хуноса қилиш мумкинки рақамли иқтисодиёт, бу - алоҳида фаолият тури эмас. Аслини олиб қараганда тадбиркорлик, ишбилармонлик, саноат обьектлари, хизматлар

деганидир. “Рақамли” атаси мазкур соҳаларнинг барчасида инновацион ахборот технологияларидан фаол фойдаланиши англатади. Агар ананавий иқтисодиётда моддий буюмлар асоси ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Ўзбекистонда “Рақамли иқтисодиёт” атаси миллий қонунчилигимизда яқин йиллардан бери қўлланилмоқда. Рақамли иқтисодиёт республикамизда қандай ривожланмокда, бу борада алоҳида олиб борилган тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра бизда Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонаяптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача ҳарид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Яқин келажакда йирик шартномалар, молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бу борада ишлар барча ривожланган давлатларда 10-15 йил олдин бошланган бўлиб, уни шакллантиришга аллақачон киришган. Биз ҳам жараёндан четда қолмаслигимиз зарур. Чунки биз глобаллашув, дунё ҳамжамияти билан интеграцияга тез киришаётган давлатлар қаторига кирамиз.

Юқорида кўриб ўтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, рақамли иқтисодиёт бу - гибрид иқтисодиётдир. Бу ахборот-коммуникация ва молия технологияларининг ривожланганлиги, шунингдек, биргалиқда гибрид туризм ва хизмат қўрсатишдаги барча иқтисодий фаолият субъектлари – товарлар ва ҳизматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлиш, истеъмол қилиш жараёни обьектлари, субъектларининг тўлақонли ўзаро алоқа қилиш имкониятини таъминлайдиган инфратузилма очиқлиги туфайли мавжуд бўлиши мумкин.

Маиший хизмат қўрсатиш соҳасида рақамли иқтисодиётни қўллашнинг қулийклари қўйидагича:

1. Маиший хизматлар сотиб олиш учун харажатлар камаяди (масалан, олдиндан телевизорни ёки уяли мобиль телефонларга таъмирлаш хизматларига буюртма бериш).
2. Маиший хизматлар ҳакида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги маиший хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта бўлади.
4. Фидбек (истеъмолчилар фикрини)ни тез олиш ҳисобига турмаршрутлар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
5. Хизмат қўрсатиш тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ бўлади.

Масалан, маиший хизмат иқтеъмолчиси авваллари ўзи боришини режалаштирган маиший хизмат буюртмачиси, хизмат қўрсатиш корхонасига ёки оғисига ташриф буюради. У билан юзма-юз ўтириб маиший хизмат турлари билан танишиб чиқади ва ўзига **мақул** келган хизмат учун нақд пул тўловини амалга оширса, бу анъанавий иқтисод. Дилер ёки сервис орқали интернетдаги манзили орқали ўзига мақул маиший хизмат турини танлаб, диллер хисоб рақамига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш, хизматларни олиши – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, маиший хизмат қўрсатиш соҳасида рақамли иқтисодиёт 1980 йиллардан бошланган десак, ҳато қилмаймиз. Сабаби, айнан шу йиллардан сервис-провайдерлар буюртмаларга олдиндан талабни қабул қилиш системаларидан кенг фойдалана бошлаганлар. Биз аслида аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулийкларидан фойдаланамиз, лекин унинг моҳиятига тўлиқ тушуниб етмаганмиз.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча, “**Маиший хизмат қўрсатишда рақамли иқтисодиёт – янги ишлаб чиқиладиган ёки жорий қилиниши лозим бўладиган жараён эмас, инновацион технологияларни истеъмолчиларни кундалик хаётига жорий этиш орқали мавжуд маиший хизматларни янгича кўринишга ўтказиш**” -деганидир¹. Бунга мисол қилиб ҳозирда дунё маиший хизматидаги ўзгаришларни олса ҳам бўлади.

¹ Муаллифнинг туризмда рақамли иқтисодиётга берган таърифи

Бу борада майший хизматлар соҳаси инфратузилмасини шакллантиришда рақамли инновацион технологиялардан фойдаланишда энг аввало сўнгги йилларда бошланган ишларни давом эттиришни кўзда тутган ҳолда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган қуйидаги йўналишни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар:

-замонавий технологияларни майший хизмат автотранспорт хизматларини олиб кириш, талабни оқимни ошириш ва диверсификациялаш учун бир-бирини ўзаро тўлдириб турувчи инновацион автомобиль транспорт хизмат тизимини ривожлантириш;

-амалий ахборот-маълумотномалар орқали майший хизмат кўрсатувчи субъектлари бўйича, истеъмочилар учун тизимни яратиш, смарт-туризммайший хизмат технологияларини тадбиқ қилиш, мобиль уяли телефонлари, тевизор, кир ювиш машиналари таъмирлаш фаолияти самарадорлигини ошириш;

-майший хизматлар соҳасида рақамли инновацион технологияларни самарали кўллаш масалаларини ўрганиш бўйича республика гурухини тузиш ва йил давомида маҳаллий вазирлик ва идоралар мутахассисларига туристик сектор эксперталари ҳамда вакиллари билан бирга вазиятни яхшилаб ўрганиш ва майший хизматлар соҳасида инновацияларни қўлашга тўскинлик қилаётган муаммолар ечимини топишга доир аниқ таклифлар акс этган норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши лозим.

Тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотларга кўра, иктиносидётга рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш борасида дунё майший хизмат соҳасида янги йўналиш бўлиб ҳисобланётган “Samsung” платформаси ишлаб чиқилмоқда. “Samsung” платформаси ўз таркибига “Ақлли хизмат” ларни бириктирган майший хизматларни рақамлаштиришни ривожлантириш учун асос бўлган бўладиган тузилма ҳисобланади. Хизмат соҳаси ривожланган давлатларда, масалан АҚШ, Япония, Германияда аллақачон “Samsung” платформасини аналогияни тақрорловчи бир нечта платформалар амалиётга босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, республикамида ҳам кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Самарқанд вилоятимизни “Samsung” маркази томонидан online-maishiy servis.uz сайтини ишлаб чиқилмоқда. Сайт “Истеъмолчи учун”, “Майший хизмат”, “Онлайн хизматлар” ва бошқа шу каби бўлимларни ўз ичига олади. “Истеъмолчи учун” бўлими “Майший сервис” миллий хизмат веб портали билан интеграциялаштираса бўлади. Бу сайт ўз ичига Ўзбекистоннинг майший хизмат кўрсатиш салоҳиятига доир маълумотлар, фойдали ахборот, майший техника ва технологияларни таклифини жамлаган расмий хизмат ресурси ҳисобланади. Шу билан бирга, портални янада самарали ишлаши учун юқорида тўхталиб ўтилган инновацион-технологиялар имкониятларидан кенгрок фойдаланиш лозимdir. Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, бизга кўшни мамлакатларда “Ақлли хизмат” рақамли платформа моделини яратиш ишларига киришиб кетилганлиги, яқин кунлар ичida бу йўналишда кучли рақобат юзага келишидан далолат беради. Биз ҳам хориж мамлакатлар тажрибасини сарҳисоб қилган ҳолда, майший хизмат кўрсатишни рақамлаштириш элементлари ва ушбу соҳада ўзимизнинг “Samsung” рақамли платформа моделини яратишимиш керак.

“Samsung” рақамли платформа модели элементлар ва тамойилларга таянган ҳолда ишлайди. Платформанинг ишлаши бўйича тўхталадиган бўлсак, қуйидаги тамойилларга таянади:

- майший хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг барча бўлимларни бир-бири билан боғланишларини максимал равишда автоматлаштириш;

- илмий тадқиқот ишларининг аҳамиятини тушунган ҳолда максимал даражада соҳани ривожлантириш учун фойдаланиш;

- барча қутий тизимларни ва бўлимларни бошқаришнинг автоном тизими интернетдан фойдаланган ҳолда бошқаришни амалга ошириш;

- майший хизматнинг ҳаётий циклининг барча босқичлари, ўзаро таъсир оқимлари орқали онлайн режимида тартибга солинадиган, бир-бирига боғланган яхлит бирлик шаклида функционал бирликлар билан таъминланиши кабилардир.

Хулоса ва таклифлар. Майший хизмат соҳасига рақамли инновацион-технологияларни жорий қилиш ва уни ривожлантириш борасида хулосаларимиз

қуидагилардан иборат:

1. Интернет хизматининг “муаммосиз” хизматни таъминловчи асосий элементлари - учиш, трансфер, диагностика, ламинация кенг тарқалган. Маълумотлар алмашиш орқали истеъмолчилар турли хил муаммоларни олдини олиш орқали, сарфланадиган вақтни камайтириши мумкин.

3. Роботизация - одамлар учун фойдали бўлган ва улар билан ишлашга қодир бўлган ботларнинг роботлари тобора кўпроқ ҳаётга кириб келмоқда. Ҳозирда тозалаш роботлари аллақачон майший техниканинг энг кенг тарқалган элементига айланган. Ходимларга бўлган эҳтиёжни камайтирган ҳолда, ушбу услуб оиласидан мөхмонхоналар бизнесини олиб боришни сезиларли даражада соддалаштириши мумкин.

4. Овоз технологиясидан (АҚШ майший хизмат кўрсатиши тизимида қўлланиши бошланган “Alexa” овозли ёрдамчи) фойдаланиш самарали бўлиб, хизматларни оптималлаштиришга, кўп жараёнларни минималлаштиришга имкон беради. Шу боис, ҳатто кичик бизнес субъектлари масалан сартарошлар гендер асосида “24 соат” ҳам мижозларга кечаю-кундуз хизмат кўрсатиши ва тил тўсиқларини бартараф этиши мумкин.

5. Блокчейн – “ишончли рақамли мухит”ни яратувчи, бу буюртмалар, резервациялар ва тўловларнинг ишонччилигини сезиларли даражада оширади, маълумотлар ва хизматларнинг ишонччилигини, аниқлигини таъминлаши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда республикамиз майший хизмат кўрсатиши соҳасига ҳам “Samsung” рақамли платформа моделини жорий қилиш лозим. Сабаби, майший хизматлар ривожланган давлатлар ўзларининг моделларини ишлаб чиқишига аллоқачон киришиб кетган. Агар биз ҳам ўз вақтида бу ўзгаришларга мослаша олмасак, минтақадаги давлатларнинг рақобатида ютқазишмиз мумкин.

Биз таклиф қилаётган “Samsung” платформа модели қуидаги элемент ва тамойилларни ўз ичига олиши керак:

-майший хизмат кўрсатувчи ташкилотларни бирлаштирувчи ягона автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш;

-майший хизмат кўрсатиши номенклатуроси бўйича ахборот узатишни, реклама қилишни “Миллий бренд” (Миллий бренд устидаги ишларни жадаллаштириш) остида интернет тизими орқали амалга ошириш;



1-расм. “Samsung” рақамли платформа моделининг элементлари ва тамойиллари¹.

¹Тадқиқотчи томонидан таклиф қилинаётган “Samsung” модели платформасининг ташкилий тузилиши.

-соҳадаги илмий тадқиқот ишларининг аҳамиятини ошириш (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) мақсадида турли соҳадаги етакчи мутахассисларнинг изланишларини бир йўналишга бирлаштириш;

-соҳадаги барча субъектларнинг ички бошқарувини ахборот технология-лари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, автоматлаштирилган бошқа-рувни амалга ошириш;

-миллий майший хизматнинг ҳаётий циклини узайтиришга инновацияларни кенг жорий қилиш борасида хизмат кўрсатувчи субъектлар имкониятларини бирлаштириш;

-майший хизмат истеъмоли билан онлайн алоқани доимий равишда назорат қилиб бориш ва қўшимча маълумотларни узатиш технологияларини такомиллаштиришдан иборатdir.

Мухтасар айтганда майший хизмат кўрсатиш соҳасида юқори натижаларга эришиш ва соҳанинг келажагини белгилаш бугунги кунда рақамли инновацион-технологияларнинг имкониятларидан фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
- 2.Ш.М.Мирзиёев., Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 бет.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони. – Тошкент, 2018 й.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.
- 5.М.Қ.Пардаев, X.Х.Абдурахманов, М.А.Маҳкамова ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. Монография. – Т: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2021. – 172 бет. – 10,75 б.т.
- 6.Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017. – 688 бет.
- 6.С.С.Гулямов, Р.Ҳ.Аюпов, О.М.Абдуллаев, Г.Р.Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.
- 7.М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаев, А.Н.Холиқулов, С.А. Бабаназарова Рақобатбардошликини мустаҳкамлашда кластер ва синергетик самарадорлик таҳлили. /Ўқув қўлланма/ – Самарқанд.: “FAN BULOG’I” нашриёти, СамИСИ, 2022. – 212 бет.
- 8.Пардаев М.Қ.Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”,2021. – 145 бет.
- 9.Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. “Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш”. – Т.: “Zamin nashr” - 2018. – 168 бет.
- 10.Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет
- 11.Холиқулов А.Н., Ибодов К.М. Таққослама менежмент. Ўқув-қўлланма, Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2021 йил – 162 бет
- 12.Тагаев Б.Э. Рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: иқт.фан.док.(DSc) автореф.– Т.: 2021, 67 б.